

ДИНИЙ МАЪНАВИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИНГ ЧЕКЛАНИШИ ВА МАЪНАВИЙ ТАНАЗЗУЛНИНГ КУЧАЙИШИ

Жумаев Бекзод

Термиз давлат университети тадқиқотчиси

Аннотация: Ушбу мақолада совет ҳукуматининг дин ва диний қадриятларга муносабати, динни чеклаш билан боғлиқ қарорлари, руҳонийларнинг жамиятда сиқувга олиниши, уларнинг мол-мулкининг мусодара қилиниши ҳамда кўпгина диний арбобларнинг қатағонга учраши билан боғлиқ тарихий воқийлик аниқ манбалар асосида таҳлил этилган.

Калит сўзлар: совет ҳукумати, дин, сиёсат, эътиқод, руҳоний, мусулмон, декрет, мулла, илм, империя, қатағон, тил, маданият, урф-одат.

Совет ҳукумати томонидан турли хил сиёсатларнинг барчаси қайсидир маънода динга, динни сиқишга, мусулмон аҳолига қаратилган эди. Россия империясининг октябрь тўнтаришидан аввалги мусулмон руҳонийлари, нафақат мусулмон халқларининг олий, диний раҳбари эди, балки улар уюшган миллий-сиёсий куч ҳам эдиларки, рус ҳукумати бу билан ҳисоблашар эди. Россия империяси мусулмон руҳонийларининг ўз халқлари тарихи олдидаги буюк хизматлари шунда эдики, улар диндошлари онгига тушунчани сингдиришар – ирқи, тили ва ҳудудларига қарамай, барча мусулмон ягона руҳий, тарихий ва ижтимоий бирликдир. Улар иймон ва қисмат ила ўзаро бирлашганлар. Шуниси қизиқки, машҳур совет шарқшунослари исломнинг мусулмон элатларининг миллатга бирлаштириувчилик вазифасини тан олдилар. Т. Саидбоев ёзади: “...Ислом турли қабилалар ва қабилаларнинг этник бирлик сифатида шаклланишида ёрдам қилган”[1] ислом динининг ижтимоий фалсафасига синфийлик, оқуялик, калондимоклик руҳи ётдир. Ислом халқларга “ҳамма одамлар оғанидир”, куллар ва қулдорлар бўлмаслиги лозим деган шиорни олиб келди.

Шунинг учун ҳам Муҳаммад алайҳисалом ҳаётликларидан биринчи мусулмонлар араб қуллари эдилар. Шу муносабат билан бошқа динларда йўқ нарса ислом масжидлари ички ташкилотининг демократлигини таъкидлаш лозим. 1917 йил феврал инқилобидан сўнг мусулмон халқлар ҳаракатининг кураши диний шакилга кирди, бир ерда тўла мустақиллик учун қарашлар, бошқа ерда мухторият талаб қилар эдилар. 1917 йилнинг майидаги Кавказ тоғликларининг биринчи қурилтойи ислом давлати тузумини талаб қилди, ислом учун Узун Хожи “Шимолий Кавказ амирлиги” номи билан бу давлатни эълон қилди. 1917 йил ноябрь – декабрида Туркистон халқларининг биринчи фавқулодда қурултойи Туркистонда шариат асосида мухторият талаб қилди ва Қўқон мухторияти барпо этилишини эълон қилди.

Бўлғуси “ислом армияси” (бошчилик) ўзаги сифатида мусулмон қўшинлари тузила бошланди. Бироқ мусулмон халқлар ўзларининг тўла миллий мустақилиklarини ва Россия таркибидан чиқишларини ҳокимиятни большевиклар босиб олгач эълон қилдилар. Большевиклар ҳокимият илжинида юрганга ва уни қўлга киритган дастлабки ишларида мусулмонлар масаласида ўта эҳтиёткорлик ва ошкоралик билан иш кўрдилар. Масаланинг буткул мураккаблиги ва уни ечиш учун қайишқоқ усуллар зарурлигини ҳисобга олиб, мусулмонлар масаласини большевиклар икки қисмга бўлдилар.

1. Мусулмонлар масаласи сиёсий–илмий масаладир.
2. Мусулмонлар масаласи маданий-диний масаладир.

Масаланинг биринчи қисмини ечиш учун иккинчи қисмига нисбатан юксак услуби қайишқоқлик лозим эди. РКП (б) дастури ҳам шунини талаб қилади, унда “миллий туйғуларнинг қолдиқларига алоҳида эҳтиёткорлик ва алоҳида этибор лозим”лиги такидланади. 1917 йил декабрида совет ҳукумати мусулмонларга ўз вақтида подшо ҳукумати мусодара қилган ва Давлат

оммавий кутубхонасида сақланаётган муқаддас Қуръоннинг “Усмони” нусхасини қайтариб бериш тўғрисида қарор чиқарди.

Бу муқаддас китоб 1917 йил декабрида Петроградда ўтган мусулмонлар курултойида тантанали равишда топширганди. 1917 йил январидан миллатлар халқ комиссарияти қарори билан Оренбургдаги масжид бошқирдларга берилди.

Ўрта Осиё, Кавказ, Қозоғистон ва Қримнинг мусулмон халқларига ҳам Чор ҳукумати мусодара қилинган. Худди шундай қатор диний-тарихий ва миллий асори-антиқалар қайтарилди. Буларнинг бари мусулмонлар кўз ўнгида совет ҳукуматининг обрўйини қайтарди. Большевикларнинг айёрона усулини мусулмонлар ҳали англамас эди, бу усул мева берди. Бунинг устига большевиклар мусулмон минтақаларида комунизм ва шариат қарама-қарши эма, бир-бирига мосдир, деб ташвиқот қила бошладилар. Шунинг учун ўша пайтда мусулмон руҳонийларининг бир қисми: “шариат совет ҳукумати учун!” деган шиорни олға сурди.

Сталин 1921 йилда Доғистон ва Тверь вилоятлари халқларининг курултойларига “совет шариатчилари” шиорини ошқора қувватлаганда айнан ана шу “совет шариатчилари” ҳаракатини назарда тутган эди. (Туркистонда Бобоҳон, Татаристонда Расулов, Доғистонда Трко Хожи, Чеченияда Али Минтоев ва Суғойиб мулло ана шу ҳаракатнинг машҳур мафкурачилари эдилар. Мусулмон халқларининг сиёсий ва диний ишларига оммавий раҳбарлик қилиш учун миллатлар халқ комиссариати қошида маҳсус “мусулмон комиссарлиги” тузишди. У айнан ҳарбий “комиссарятлар” каби миллий белгига қараб эмас, диний равишда барпо этилганди. Шунга қарамай, мусулмон зиёлилари ва руҳонийларининг анча кўзга кўринган вакиллари мусулмонлар масаласида большевиклар иккиюзламачилик қилаётганларини, мусулмон халқларини “советларча тараққиётга” йўналтириш учун

ташвиқотнинг юзсиз воситалари ва ҳатто алдовдан ҳам фойдаланаётганларини аниқ тушундилар. Шу муносабат билан мусулмон демократик ташвиқотлари большевикларга қарши анча таъсирчан ишларни бошлаганда совет ҳукумати қатағон йўлини тутди – у Петрограддаги “Марказий мусулмон кенгаши” ва унинг Мақвадаги бўлими – Миллий совет “Бутунроссия мусулмон ҳарбий кенгашни” ёпиб қўйилди. Улар “тор-миллатчилик” ва “буржуа-миллатчилиги”да айибландилар. Қолаверса, Шерали Лапин 1917 йил 18 ноябрда советларнинг 3-ўлка съездида мусулмонлар кенгашини резолюциясини эълон қилади[2]. Шунда Шерали Лапин айтадики, “мусулмон совет ҳукумати томонидан эълон қилинган миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш тамойилига асосланиб, ўзларига бутун ҳокимятни топширишларини талаб қилишлари ҳам мумкин эди, лекин улар “келгинди элементлар”, вакилларининг ҳокимятга қатнашишига йўл қўйиб, уларга ён бермоқдалар”.

Провардида Шерали Лапин бундай дейди: “Мусулмонларнинг тутган йўли мустақил йўлдир, бу йўлни уларга Қуръон ва шариат қоидалари кўрсатиб берган. Шунинг учун улар рус сиёсий партияларидан бирортасига ҳам қўшила олмайдилар, лекин барча халқ ташкилотларига таяниб, Таъсис мажлисига олиб келадиган ҳокимятни қўллаб қуватлайдилар, мусулмонлар рус инқилобининг халқларни ўз тақдирини ўзи белгилаши тўғрисида ишонадилар”. Шундан сўнг Шерали Лапин мусулмонлар кенгаши номидан ўлкани идора қилишни ташкил қилиш ҳақидаги таклифларини маълум қилади. Бироқ советларнинг 3-ўлка съезди, мусулмонлар съезди, мусулмон ташкилотлари ўлка кенгашининг, ўлкани идора қилишни ташкил қилиш ҳақидаги таклифларини бутунлай рад этди. Бундай муносабатдан кўриниб турибдики, советлар мусулмон халқини ҳокимиятга яқинлаштирамасликка уринган. Советларнинг ислом динига бўлган муносабатларини шу каби

сиёсатлар, воқеа-жараёнлар яққол кўрсатиб беради. Шунини таъкидалаш лозимки, Қизил армия эгаллаб олаган мусулмон юртларда большевиклар ўта эҳтиёткорона ва жуда қайишқоқ миллий-диний сиёсат юргиздилар. Ленин айтган эди: “биз ханузгача ўз муллалари таъсирида юрган қирғиз, ўзбек, тожик, туркман каби халқларга нима ҳам дея оламиз?...биз бу халқларга келиб: “сизни эзиб ётган эксплуататорларни ағдарамиз?” –деб айта оламизми? Биз бундай қила олмаймиз чунки, улар бизга эмас, ўз мусулмон, муллаларига тамоман ишонадилар”. Ленин ислом кўрғонини олисдан ва зимдан йиқитишни маслаҳат беради. Большевиклар томонидан олиб борилган айёрона тадбирлар, большевикларга қарши бош кўтарган исёнчиларнинг ичидан анча мусулмон руҳони йўлларни ва кўпчилик халқни советлар томонига оғдирди. Руҳонийларнинг исёнини бас қилган кисмини большевиклар 1923 йилнинг 23 декабрида ўзларига хизмат қилдирдилар. Улар барча муллалар иштирокида “Совет ҳокимияти исломга қарши эмас” деган шиор остида “умумлақайлар мажлиси”ни ўтказдилар, кейин бундай йиғинлар Ўрта Осиёнинг бошқа жойларида ҳам ўтказилди. Ислоннинг “Коммунизм балан оғалашуви” 20-йилларнинг охирида тугади. Ислон динини ашаддий ва изчил йўқотиш, мусулмон руҳонийлари ва зиёлиларини жисмонан ўлдириш ҳатто миллий комунистларни ҳам “Партияга олдаб кириб олганлар” ҳамда “мусулмон руҳонийлари билан ошкора тил бириктирганлар” сифатида қатағон қилиш бошланди. Шундан бошлаб “Мусулмон халқлари” ибораларининг ўзини тилга олиш ҳам жиноят бўлиб қолди.

Сталин бундай қирғинларни изчил ва доимий амалга оширди. Хўш, Сталин уюштирган қирғин ва очликдан қача мусулмон ҳалок бўлди? Аниқ жавобни фақат КПСС Марказий қўмитаси ва КГБ билади. Партия XII съезди қароридан олган 1923 йил малумотлари бўйича ССРда ўш пайтда 30 миллион

мусулмон яшаган, 1959йилги рўйхотга олиш натижадларига кўра Сталин зўравонлиги даврида мусулмон аҳолисининг сони 24 миллионга тушиб қолди. Яна шу нарсага этибор беришимиз керакки, мусулмонлар кўп болали эдилар. Нега кўпаймасдан камайдилар? Шунингдек “Ўзбекистон адабиёти ва саъати” газетасида қайд этилишича, 1929-1939йилларда фақат биринчи Туркистон худудининг ўзида 14000 масжид ва мадрасалар ёптирилиб юборилган ёки буздирилган. Шайхлар, имомлар ва бошқа дин арбоблари шу мадраса, масжиддаги энг оддий ишчисидан тортиб юқори малакали шайхларгача барчасини қатағон қилинган[3].

Демак, совет ҳукумати диндорларга нисбатан ҳар томонлама тақиб ва таъзиқни кучайтирди, уларни сайлов ҳуқуқларидан маҳрум этди. Масалан, - “1926 йил ёзида ўтказилган совет сайловларида 27.453 киши, 1926-27 йиллар кишидаги сайловга эса, 33204 киши сайлаш ҳуқуқидан маҳрум этилди. Уларнинг кўпчилиги диндорларнинг вакиллари эди”[4].

1929 йили 18-мартда Фарғона вилоятининг Шохимардон қишлоғида ўлдирилган Хамза Хақимзода Ниёзий иши советларнинг ислом дини ва руҳоний уламоларга қарши оммавий қабъий ҳаракат учун бир бахона бўлганди. 124-сонли Хамза Хақимзода Ниёзий иши бўйича бир йўла 56 киши устидан ҳуқум чиқарилди ва улар диндорларнинг вакиллари эдилар. Махбусларга Ўзбекистон ССР жиноят кодексининг 64- моддаси бўйича жазо белгиланди ва улар қатағон қилинди.

Мана шу машъум воқеадан сўнг совет ҳукумати ислом дини ва уламоларга қарши оммавий кураш ва қатағонликка ўтган эди. Демак, совет ҳукумати ва компартия ислом динини ўзининг асосий рақиби деб билди ва унга қарши муттасил ва шафқатсиз кураш олиб борди. Бу курашни советлар ўз ҳаётининг сўнги йилларига қадар олиб борди, десак бўлади.

Сурхондарё вилояти партия ташкилотларининг 1945 йилда бўлиб 1-конференциясида, 1949 йилда бўлиб ўтган II-конференциясида, 1951 йилда бўлиб ўтган III-конференциясида 1952 йилда бўлиб ўтган IV-конференцияларида партия ташкилотларининг ғоявий-сиёсий иши тўғрисидаги масалалар кун тартибига қатъий қўйилди. Ушбу йғилишлар соҳа мутахассислари зиммасига вилоят жамоа хўжаликлари, корхона ва муассасаларида оммавий-сиёсий ишларни кенг тарғиб қилиш, марксизм-ленинизм классиклари асарларини ўрганишни оммавий тарзда йўлга қўйиш, большевизм тарихи, коммунистик ташкилотлар тарихи юзасидан давомли маърузалар олиб бориш, атестик пропагандани авж олдириш, сиёсий мактаблар, тўгараклар, партия мактаблари фаолиятини жонлантириш каби вазифаларни юклади[5]. Бундай ҳолат нафақат Сурхондарё вилоятида балки бутун Собиқ Иттифоқ миқёсида кенг авж олдирилган эди. Ушбу мақсадни амалга ошириш юзасидан 1947 йилда СССРда янги бир сиёсий ташкилот яъни Сиёсий ва илмий билимларни тарқатувчи Бутун иттифоқ жамияти (кейинчалик у “Билим” жамияти деб аталди) ташкил этилди. Ушбу ташкилотнинг республика вилоят, туман ва шаҳар бўлимлари ҳам ташкил этилди. Бирорта ҳам аҳоли пункти, колхоз, совхоз ёки корхона ушбу жамият назаридан четда қолмади[6]. Шу йўл билан коммунистик партия бутун ижтимоий иқтисодий жараёнларни шу жумладан маданий маърифий соҳани ҳам ўз назоратига олди. Натижада бутун маданий-маърифий муассасалар коммунистик партиянинг ижтимоий буюртмасини бажарувчи кучга айлана борди. Мазкур даврнинг энг хусусияти жиҳатларидан яна бири маданият ва санъат орқали “янги инсонни тарбиялаш” вазифасини бажариш эди. Хўш партиянинг нуқтаи-назаридан “янги инсон” ким эди? У “янги инсон” ўзига раҳбарлик қилаётган партиянинг мақсад ва вазифаларини беками-кўст

бажаришга доимо шай бўлган аста-секинлик билан ўзлигини йўқотиб борадиган оломоннинг вакили эди[7].

Бундан кўриниб турибдики ўрганилаётган даврда халққа кўрсатилаётган маданий хизматларнинг ва маданият муассасаларининг миқдори йил сайин ўсиб борган. Аммо ушбу муассасаларнинг фаолият мустабид тузумнинг давлат идоралари ҳамда назорат органлари томонидан мунтазам тарзда назорат қилиб борилган. Қаттиқ цензура тартиблари, асосида белгилаб берилган фаолиятгагина рухсат берилган. Агарда ушбу йўналишдан ким четга чиқса ёки марказ кўрсатмасига хилоф иш тутса тегишли тарзда партиявий жазога тортилган. Мисол учун Сурхон воҳасининг маърифатпарвар инсонларидан бири Эшбой Пардаев ҳам ана шундай балолардан бенасиб қолмаган. Эшбой Пардаев “Эски” ва “Янги” мактабда пухта билим олган шахс эди. У киши 1932-1937 йиллар оралиғида Самарқанд давлат университетининг ўзбек филологияси факультетини тугатди. Шундан сўнг бир неча йиллар Термиз, Шеробод ва Жарқўрғон туманларида ўқитувчи бўлиб ишлади. Эшбой Пардевининг яна бир устунлик томони форс-тожик мумтоз адабиётининг чуқур билимдони эди. Қолаверса назм ва насрда ҳам бемалол ижод қила оларди. Чунончи унинг “Арча”, “Қиш”, “Гўзал қиз”, “Сайлов”, “Пилла”, “Баҳор”, “Тўйлар муборак” каби шеърлари “Рўза” деб номланган бир пардалик пьесаси шулар жумласидан ҳисобланади. Эшбой Пардаев туркий ва форс-тожик адабиёти асосчиларининг ижоди ва ҳаётини ўрганиш борасида ҳам самарали ишлар олиб борди. Жумладан: шоир Чустий билан бирга Адиб Собир Термизийнинг танланган асарларини таржима қилди. Бундан ташқари “Алишер Навоий – как лингвист (“Красная Бухара”, 1939 йил 24 август), Навоий одоб ва ахлоқ ҳақида” (Ленин байроғи, 1967 йил 24 март), “Муаммонавис” (Ленин байроғи 1967 йил 5 июль) каби илмий мақолалар ҳам Э.Пардаев қаламига мансуб. Э.Пардаев Ленинград тил ва тараққиёт институти

аспиантурасига кириб, XVI аср ўзбек тили грамматикаси”ни ўрганиш юзасидан тадқиқотлар олиб борди. 1945 йилда мактабда ишлаб юрган кезларида таълим бераётган болаларга “Қуръони Карим”ни кўрсатганлиги учун динни тарғиб қилинишида айбланиб НКВД томонидан беш йилга қамаб юборилди. Қамоқ ва қувғунлар боис Э.Пардаевнинг илмий ишлари адоғига етмай қолди. Қамоқдан қайтиб келгач ҳам Э.Пардаев ижодини тўхтатиб қўйган эмас. Э.Пардаев шарқона тақвимни ҳам яхшигина билган кишилардан эди. Шу боисдан ҳам “Дехқон ва чорвадор баҳори” (Ленин байроғи 1972 йил 1 март), “Наврўз хотиралари “ (Ленин байроғи 1972 йил 22 март), “Ҳамал ва Савр” (Ленин байроғи 1972 йил 4 июн) “Саратон” (Ленин байроғи 1972 йил 1 июль) каби мақолалари ўқувчилар томонидан алоҳида қизиқиш билан қабул қилинди[8]. Мустабид тузумнинг аянчли қатағонлар сиёсатини ўз бошидан ўтказган инсонлардан яна бири Мулло Мирзо Умар (1910-1987) саналади. Мулло Мирзо Умар Бойсуннинг сўлим Дарбанд қишлоғининг Сесанга маҳалласида туғилган ва диний саводи анча мукамал шахс эди. Мустабид тузумнинг бешавфқат сиёсати Мулла Мирзо Умар ҳаётини ҳам зимистонга айлантирди. Уни илк бор 18 ёшида бойнинг ўғли ва муллачиликда айблаб қамайдилар. Шундан сўнг азоб-уқубатларга айрилиқ ва ситамларга тўла ҳаёт бошланади. Мулла Мирзо Умар умрининг 17 йилини қамоқ ва сургунларда ўтказди. 1945 йилдагина уни шартли тарзда озодликка чиқаришди. Аммо шундан кейин ҳам таъзийқу-қувғунлар гирдобидида яшайди. Шу боисдан ҳам Дарбанддан Сайробга, Сайробдан Дехқонободдан Деновга, Қумқўрғону Шеробод чўлларига кўчиб юришга мажбур бўлади. Мулло Мирзо Умар қамоқ ва сургундан озод бўлгач она юртига қайтиб рухий ва жисмоний азоб-уқубатлар чангалидан қутилмаган бўлсада, яна исломий маърифатга интилади. Яширин тарзда ибодат қилди. Тариқат сирларини Нақшбандия тариқатининг етук билимдони Миёнжон домладан ўрганди. Қолаверса ўзбек

ва тожик тилларида арабий имлода шеърлар битди. Аруз вазни қонунқоидаларига қатъий риоя этиб ёзилган ушбу ғазаллар ва мухаммаслар асосан диний-ирфоний, фалсафий-ахлоқий аҳамиятга эга. Аммо Мулла Мирзо Умар таъқиб ва қувғунлар сабаб ўз қўл ёзмаларини доимий тарзда бекитиб сақлашга ҳаракат қилади. фақатгина истиқлол туфайлигина Мулла Мирзо Умарнинг маънавий мероси ўқувчилар қўлига етиб келди. Шоирнинг авлодлари 2001 йилда "Фарғон" нашриёти орқали унинг "Муножот" деб номланган ғазаллар ва мухаммаслар тўпламини нашр этиб ўқувчиларга тақдим этди[9]. Илм аҳлини қатоғон қилинишига Яна бир мисол Қашқадарё воҳасининг Ғузур туманидаги Афғонбоб қишлоғида истиқомат қилувчи Қори Аҳмад Акрамхон ўғлининг уйдан 1951 йилда Аҳмад Яссавийнинг "Ҳикматлар" девони чиққанлиги сабаб уч йилга Сибирга сургун қилинади[10]. Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Шунини қайд этиш лозимки, Мустабид тузумнинг қатоғон сиёсати одамларни ҳар томонлама қадамини ўйлаб босишга, айтадиган сўзини эҳтиёт бўлиб айтишга мажбур қилиб қўйган эди. Шу боис ҳам маданият муассасаларида фаолият юритаётган инсонлар имкон қадар эҳтиёт бўлишга ҳаракат қиларди бу эса одамларнинг эркин фикрлашини, тарихий меросга бўлган қизиқишини, ижод аҳлининг эркинлигини чеклайдиган улкан тўсиқ ва тазийқ эди. Бироқ шунга қарамасдан ижод аҳли ҳеч қачон тўхтаб қолган эмас, аксинча гоҳ очиқ гоҳ яширин тарзда мавжуд тартибларга қарши ўзининг муносабатини билдириб келди.

Фойдаланилган манбалар ва адабиётлар рўйхати

1. Авторхонов Абдурахмон. "Кремл салтанати" – Т. Чўлпон 1993й. 39-бе
2. Жўраев Н, Каримов Ш, "Ўзбекистон тарихи" 2-китоб, "Шарқ" – Т. 2011й. 49-бет.
3. "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетаси, 1993йил 4-июн.

4. Жўраев Н, Каримов Ш, “Ўзбекистон тарихи” 2-китоб, “Шарқ” – Т. 2011й.
5. Бердиев Ҳ. Эрматов Х. Сурхондарё тарихидан лавҳалар. – Тошкент: “Нур”. 1991. – Б.80-81.
6. Раҳмонов Н. Умаралиев А. Совет Ўзбекистони маданияти тарихи очерклари. – Тошкент: “Ўқитувчи”. 1984. – Б.147.
7. Ражапов В.Т. XX асрнинг 80-йилларида Ўзбекистонда маданият соҳасидаги ўзгаришлар ва муаммолар. Тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. – Наманган, 2006. – Б.26.
8. Мен Сурхон тонгиданман (мажмуа). – Термиз: “Жайхун” , 2000. – Б.30-32.
9. Мулло Умар “Муножот”. “Фарғона” нашр. 2001. – Б.59.
10. Авлиякулова Д. Совет ҳокимиятининг Ўзбекистоннинг жанубий вилоятларидаги қатағон сиёсати ва унинг оқибатлари. – Тошкент: “Тафаккур”. 2016. – Б.96.